

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ва ЎРТА-МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО МУХАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Бухоро Мухандислик Технология

Институти ректори

Н.Р.Баракаев



2022 йил

*18.00.02 – «Районлаштириш. шаҳарсозлик. қишлоқ турар
жойларини режалаштириш. ландшафт архитектураси. бино ва
иншоотлар архитектураси» ихтисослиги бўйича малақавий*

имтиҳон

ДАСТУРИ

БУХОРО - 2022

Тузувчилар:

Т.ф.н., доцент. Мирзаев Ш.Р. – “Архитектура” кафедраси мудири.

Т.ф.д., профессор. Воҳидов М.М. – “Архитектура” кафедраси

Т.ф.н., доцент. Рўзиев Ҳ.Р. – “Архитектура” кафедраси.

Мутахасислик фан бўйича ўқув дастури “Архитектура” кафедраси
мажлисининг 2022 йил 12 ноябрь 6 - сонли мажлисида кўриб чиқилган.

“Архитектура”
кафедраси мудири



Мирзаев Ш.Р.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг барча соҳаларида амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнларини янада ривожлантириш, қурилиш ва архитектура соҳаси билан боғлиқ масалаларни назарий ва амалий жиҳатдан такомиллаштириб бориш ҳозирги куннинг устувор вазифаси ҳисобланади.

Шу боисдан, шаҳарсоз мутахассислардан, уларнинг юқори даражадаги билим ва касбий малакаларга эга бўлишлиги, архитектуравий лойиҳалаш билан боғлиқ илғор хорижий усуллари пухта ўрганишлари, бу борада, айниқса, замонавий инновацион технологияларни, шаҳарсозлик социологиясини, диссертация мавзуси бўйича лойиҳавий таклифларни ишлаб чиқиш каби фанларни пухта ўрганишлари керак.

Аҳолининг, айниқса, қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолининг шароитларининг яхшиланиши Республикамиз шаҳарсозлигида жиддий ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар содир этилишини назарда тутди. Яқин кунларгача урбанистика бўйича аксарият тадқиқотлар, гарчи урбанизация жараёни давомида шаҳарларнинг алоқалари кенгайиб, чегаралари ёйилиб кетсада, асосан шаҳарларга бағишланар эди. Ривожланаётган шаҳарлар ўз таъсир ҳудудларини фаол кенгайтирган ҳолда қишлоқ жойлардаги турмушга ижобий таъсир ўтказади. Шу сабабли, уларнинг истиқболли ривожланиши масалалари ён-атрофдаги қишлоқ аҳоли пунктларини ҳисобга олиб туриб ҳал қилиниши лозим.

Шаҳарсозлик ғоялари ва шаҳар ландшафти ечимини ишлаб чиқишда, бино ва иншоотларни лойиҳалашда ҳамда қурилишни амалга оширишда ижтимоий, иқтисодий, энергосамарадорлик масалаларни ечимини топиш ва бу борада илмий тадқиқотларни олиб бориш ҳамда инсон омили, ҳаёти фаолияти учун сунъий муҳитни яратиш ўз талабларини қўймоқда. Бу борада кўплаб илмий изланишлар қилинган ва олиб борилмоқда. Ана шу масаларга оид жараёнларни дунё амалиётида кўриш, кузатиш, илмий таҳлил қилиш, тадқиқот олиб бориш ва улардан тўғри фойдаланиш муҳим аҳамит касб этади. Ушбу дастур 18.00.02 – "Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ

турар жойларини режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси" ихтисослиги асосида ишлаб чиқилди. Дастурни тузишда районлаштириш, шаҳарсозлик, қишлоқ турар жойларини режалаштириш, ландшафт архитектураси, бино ва иншоотлар архитектурасининг барча мутахассислик фанларига доир мавзулар киритилган. Дастурга шаҳар ва қишлоқларни архитектуравий-режавий ташкил этиш, шаҳарсозликнинг келажак ғояларини ишлаб чиқиш, шаҳарлар ландшафтини ташкил этишда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш масалалари, бино ва иншоотлар лойиҳалашда шаҳарсозлик масалаларини ҳал қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, муаммолар ечимига қаратилган саволлар киритилган.

Дастур бешта бўлимдан иборат бўлиб, уларнинг кетма – кетлиги умумийдан – хусусийга, қадимдан – ҳозирги кунги томойили асосида ривожланган. Марказий Осиёга, биринчи навбатда Ўзбекистонга устивор эътибор берилган.

Дастурнинг мақсад ва вазифалари

Ушбу дастур шаҳарсозлик тарихи, назарияси, шаҳарларни барпо этиш, қайта қуриш, қишлоқ аҳоли турар жойларини режавий ташкил қилиш, шаҳарларнинг ландшафтини ташкил этиш бўйича илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга қаратилган бўлиб, 18.00.02 – Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар жойларини режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси мутахассислиги бўйича фан докторлари тайёрлашда катта аҳамиятга эга. Шу боисдан, архитектурашунос, шаҳарсоз, туманни режалаштириш ва ҳудудий жойлаштириш, шаҳар ландшафтини ташкил этиш, шаҳарларни таъмирлаш, шаҳарлар эстетикаси бўйича мутахассислардан, уларнинг юқори даражадаги билим ва касбий малакаларга эга бўлишлиги, таъмирлаш билан боғлиқ илғор усулларини пухта ўрганишлари, бу борада, айниқса, замонавий инновацион технологияларни, архитектуравий ёдгорликлардан замонавий мақсадларда фойдаланиш усулларини пухта билишларини талаб этилади.

Дастурнинг мақсади - кадрларга замонавий талабларни кўзда тутиб, докторантурада ўз диссертация ишини ҳимоя қилувчиларнинг Шаҳарсозлик асослари ва шаҳарсозлик тарихи, туманни режалаш ва қайта қуриш, қишлоқ

турар жойларини лойиҳалаш курслари бўйича билимларини объектив аниқлаш ва баҳолашдан иборат.

Мазкур малакавий имтиҳонлар Дастурига куйидаги фанлар киради: Шаҳарсозлик асослари, Ландшафт архитектураси, Турар жой туманини лойиҳалаш, Қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштириш, Бино ва иншоотлар архитектураси ва Архитектуравий лойиҳалаш.

Имтиҳон ўтказишдан мақсад – талабгорларда шаҳарсозлик асослари ва тараққиёт босқичлари, шаҳарсозликнинг янги босқичдаги услуб ва йўналишлари бўйича кўникма ва малака шаклланганлигини аниқлашдан иборат. Имтиҳоннинг вазифаси – замонавий шаҳарсозлик асосларини ўрганиш, энг йирик шаҳарсозлар ижодини таҳлил этиб, уларнинг ютуқларидан унумли фойдаланиш, ҳамда бой тарихий анъанавий услубларимиз орқали замонавий ўзбек шаҳарсозлигини ривожлантиришдан иборат.

1-БЎЛИМ: ШАҲАРСОЗЛИК АСОСЛАРИ

Шаҳарлар ривожининг демографик жараёнлари. Шаҳарларнинг меҳнат ресурслари. Янги ҳудудлар танлаш ва мавжуд шаҳарларнинг ривожланиши. Шаҳарсозлик типологияси. Шаҳарларнинг режавий ташкил этилиши. Шаҳарнинг аҳоли турар жой зонаси. Турар жой туманлари. Шаҳарнинг ишлаб чиқариш ва омборхоналар ҳудуди. Шаҳарнинг рекреация ҳудуди. Туман ва кичик туманларни лойиҳалашнинг бадий аҳамияти. Шаҳарнинг жамоат маркази. Шаҳарсозлик ғоялари. Шаҳар тизимида ансамблларнинг ташкил этилиши ва аҳамияти.

2-БЎЛИМ: ТУРАР ЖОЙ ТУМАНИНИ ЛОЙИҲАЛАШ

Шаҳарсозлик бўйича илмий-лойиҳавий ишлар, туман режалашнинг ўрни ва аҳамияти. Ҳудуднинг антропоген хусусиятларининг баҳоланиши. Туман режалашнинг демографик сиғимини аниқлаш. Шаҳар аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Туман режалаш ҳудудларининг жойлашуви. Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ривожлантириш. Агросаноат комплекси. Функционал ҳудудлаш ва режавий структура. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари ва уларнинг жойлашуви. Аҳолининг дам олиш, курорт даволаниш ва туризм объектиларининг жойлашуви. Ҳудуднинг эстетик ташкил этилиши. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш. Туман режалашнинг транспорт масалалари. Туман режалашнинг муҳандислик ва техник инфратузилмаси.

3-БЎЛИМ: ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИ

Шаҳар кўкаламзорлаштириш тизимининг шаклланиши. Кўпфункционал парклар. Махсус боғлар ва парклар. Жамоат бинолари атрофида ландшафт ташкил этиш. Бульварлар, тротуарлар, скверлар ва сув ҳавзалари атрофини кўкаламзорлаштириш.

4- БЎЛИМ: ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ.

Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этишни асосий вазифаси, қишлоқ аҳоли пунктларини бош планлари, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларида қандай мақсадлари, қишлоқ аҳоли пунктларининг реконструкция, қишлоқ аҳоли яшаш пунктлари аҳолининг сонига қараб қандай гуруҳларга бўлиниши, аҳоли пунктлари қишлоқлараро марказий хизмат кўрсатиш вазифалари, қишлоқ ҳудудини муҳандислик тайёргарлиги қишлоқ аҳоли пунктларида жамоат корхоналарини ташкил этиш тамойиллари.

5- БЎЛИМ: БИНО ВА ИНШООТЛАР АРХИТЕКТУРАСИ

Турар-жой, жамоат, саноат, маъмурий биноларнинг типологик асослари, функционал – лойиҳавий, техник, иқтисодий ечимлари; турар жой ва жамоат биноларининг сонияли сифатлари, қурилиши параметрлари; ички муҳитни функционал шакллантириш тамойиллари; бино ва иншоотларнинг технологик, коммуникациявий боғлиқликлари тўғрисидаги тушунча; мавжуд бино ва иншоотларининг функционал ташкил қилиш бўйича таҳлил; архитектуравий-типологик вазифаларни ечиш; хизмат кўрсатиш босқичлари, бино ва иншоотлар классификацияси, фуқаролик биноларнинг шаҳарда жойлашуви; жамоат ва маъмурий биноларнинг шаҳардаги доминантлик роли; турар-жойлар, хонадон таркиби, кам қаватли, ўрта қаватли, кўп қаватли, ячейкали, қисқа муддатли турар-жой бинолари; ўқув-тарбия, томоша, илмий муассаса, спорт, соғломлаштириш, маъмурий, дам олиш бинолари.

Жамоат, турар жой, саноат, кўпфункционали бино ва иншоотларни архитектуравий-фазовий шакли ва уларнинг функционал, технологик ечимини лойиҳалаштириш. Архитектуравий лойиҳалашда шаҳарсозликдаги вазифасини, бино типлари нормаларини, экологик талабларини ва хоналар туркимларини аниқлаш белгиланади. Лойиҳаларни тузишда график

кўникма, функционал, архитектура - бадий, конструктив ва иқтисодий томондан лойиҳалаш услубларини ўзлаштириш, клаузура ишларини бажариш, қисқа вақтда бажариладиган лойиҳаларда бадий композицион, функционал талабларни ҳис этиш, лойиҳа босқичларида ижодий ёндошиш, эскиз ҳола устида ишлаш, архитектуравий муҳитни ташкил этиш, лойиҳалашга шахсий ижодий ёндошиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4201-сон “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги Қарори.
3. Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик кодекси.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 августдаги 679-сонли “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
5. Исамухамдова Д.У., Адылова Л.А. «Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси». Дарслик. 1-қисм., Тошкент, 2009
6. Исамухамдова Д.У., Адылова Л.А. «Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси». Дарслик. 2-қисм., Тошкент, 2009
7. Исамухамедова Д.У. Исмаилов А.Т., Хотомов А.Т. “Инженерлик ободонлаштириш ва транспорт”. Дарслик., 1 қисм., Тошкент, 2009
8. Концепция развития градостроительства Узбекистана в условиях формирования новых социально-экономических отношений. Т, ТАСИ 2008
9. ШНҚ 2.07.01-13* Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишни режалаштириш. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. Т. 2009
10. Адилова Л.А. Ландшафт архитектураси: I қисм, ўқув қўлланма, – Тошкент: ИПТД “Ўзбекистан”, 2009 й.
11. Адилова Л.А. Ландшафт архитектураси: II қисм, дарслик – Тошкент: ТАСИ 2009 й.
12. “Градостроительный кодекс Республики Узбекистан”. Т. 2002 г.
13. Исамухамдова Д.У., Садыкова М.А., Муминова К.Р. «Шаҳарсозлик лойиҳалаш”. Ўқув қўлланма, ТАСИ. Тошкент 2015 й.
14. Исамухамдова Д.У., Мирзаев М.К. «Замонавий шаҳарсозлик назарияси”. Ўқув қўлланма, Тошкент, 2015 й.

15. С.Селимова. “Формирование понятия Ландшафтный урбанизм в градостроительстве”.Национальная академия природоохранного и курортного строительства. Донбасс. 2014 г.
16. Убайдуллаев Х.М, Иноғомова М.М. «Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалашнинг типологик асослари» дарслик., Тошкент 2009 й.
17. Хидоятлов Т.А. «Типология общественных зданий» ўқув қўлланма., Ташкент 2008г.
18. Х.М.Убайдуллаев, Г.И.Коробовцев, Й.И.Абдурахманов, Я.М.Мансуров “Архитектураларнинг лойиҳалаш” ўқув қўлланма., Тошкент 2012.
19. Б.И.Иноғомов “Замонавий бино ва иншоотларни лойиҳалаш” Тошкент ўқув қўлланма.,2011й
20. А.Л.Гельфонд “Проектирование общественных зданий” Москва 2000
21. Меъморчилик. 1 қисм. Архитектура тарихи. Дарслик. Воҳидов М.М., Ш.Р.Мирзаев. Тошкент. Таффақур нашриёти, 2010 йил.
22. Меъморчилик. 2 қисм. Фуқаролик бинолари. Дарслик. Ш.Р.Мирзаев. Воҳидов М.М., Тошкент. Таффақур нашриёти, 2010 йил.

18.00.02 – Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар жойларини режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси ихтисослиги бўйича мутахассислик фанидан имтиҳон

С А В О Л Л А Р И

1. Замонавий шаҳарсозликда кичик меъморий шаклларнинг ўрни.
2. Меъморчиликда майдон-мажмуаларнинг вужудга келиши.
3. Шаҳарнинг функционал мазмуни нимадан иборат?
4. Ўрта аср шаҳарларининг схематик тузилиши.
5. Шаҳар муҳитини функционал қисмларга бўлиш нима?
6. Шаҳарсозлик масалаларида мажбурий шарт бу?
7. Катта шаҳар ва агломерацияларининг муҳим камчиликлари нималардан иборат?
8. Шаҳарсозликни субъектлари ва объектлари.
9. Аҳоли жойлашуви тури қандай аниқланади?
- 10.Туман яшовчиларининг энг юқори сонини аниқлашни режалаштиришда кунлик эҳтиёжлар таъминлаш шарти билан қандай аниқланади?
- 11.Туман режалаштиришнинг схемаси қайси муддатга мўлжалланган бўлиб амалга оширилади?
- 12.Шаҳарлар таснифлаш қандай белгиларига асосан амалга оширилади?
- 13.Шаҳар пайдо бўлишга сабаб бўлган корхоналар қандай аниқланади?
- 14.Одамларга маданий ва маиший хизмат билан шуғулланувчи муассасалари ва корхоналари нима деб аталади?

15. Шаҳарсозликнинг ижтимоий демографик вазифалари.
16. Ландшафт режалаштиришни дастлабки шартлари ривожлантириш.
17. Ландшафт режалаштиришни мақсад ва вазифалари.
18. Ўзбекистонда ландшафт режалаштиришни асосий муаммолари.
19. Ўзбекистонда ландшафт режалаштирининг ривожлантириш концепцияси
20. Туристик ва рекреацион ривожланиш ҳудудларини ландшафт режалаштириш.
21. Дам олиш ва туризм марказларини ташкиллаштиришда ҳимоя қилиш услубларини айтиш?
22. Сув манбалари ва сув омборларини ландшафт режалаштириш ва рекреацион ташкиллаштириш.
23. Транспорт магистраллари, темир йул ва техник иншоотлари ҳудудларини ландшафт режалаштириш.
24. Саноат ҳудудлари ва корхоналарининг ландшафт режалаштиришни ташкил этиш қандай омиллар таъсир этади?
25. Жамиятни замонавий ривожланиш шароитида ландшафт режалаштиришни роли.
26. Кўп функцияли парклар ҳудуди қандай қисмларга бўлинади?
27. Шаҳарнинг экологик анализ жараёнида атроф-муҳитнинг қандай асосий элементларининг ҳолати аниқланади?
28. Ландшафт архитектурасининг замонавий тенденциялари.
29. Автомагистрал йўлларида ландшафт муҳит яратишнинг афзалликлари.
30. Мустақиллик шаҳарсозлигида ландшафт архитектурасининг ривожланиши.
31. Туманни режалаштиришнинг мақсад ва вазифалари?
32. Туманни режалаштириш ва аҳоли жойлашуви?
33. Туманни режалаштириш схемаси?
34. Туманни режалаштириш лойихаси?
35. Туманни режалаштиришда саноат зоналарининг жойлаштириш.
36. Кишлоқ ҳудудларини меъморий-режавий ташкил этиш?
37. Туманни режалаштиришда табиий-иқлимий омилларни ҳисобга олиш.
38. Туманни режалаштиришда ижтимоий-иқтисодий омилларни ҳисобга олиш.
39. Туманни режалаштиришда Бош планни ўрни.
40. Туманни режалаштириш схемаси ва лойихасини яратишни ташкил этиш.
41. Шаҳарда турар жой туманини ташкил қилиш.

- 42.42.Замонавий шаҳарсозликда анъанавий маҳаллаларни ташкил этиш тамойиллари.
- 43.43.Турар жой туманларини меъморий-бадий композицияларининг хусусиятлари нималардан иборат?
- 44.44.Туманни режалаштиришда лойиҳа босқичлари?
- 45.45.Рекреацион зоналарни лойиҳалаш.
- 46.Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этишни асосий вазифаси.
- 47.Қишлоқ аҳоли пунктларини бош планлари шаҳар бош планларидан фарқи.
- 48.48.Маҳалла Фуқаролари Йиғини (МФЙ) қандай маъмурий орган?
- 49.“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларида қандай мақсадлар назарда тутилган?
- 50.50.Қишлоқ аҳоли пунктларининг реконструкция лойиҳасини ишлаш учун қандай бошланғич маълумотлар керак бўлади?
- 51.51.Қишлоқ аҳоли яшаш пунктлари аҳолининг сонига қараб қандай гуруҳларга бўлинади?
- 52.52.Қайси аҳоли пунктлари қишлоқлараро марказий хизмат кўрсатиш вазифасини бажаради?
- 53.53.Қишлоқ ҳудудини муҳандислик тайёргарлиги нима?
- 54.54.Санитария ҳимоя зонасининг кенглиги, ундан қандай мақсадларда фойдаланилади?
- 55.55.Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш корхоналари қандай режалаштирилади?
- 56.56.Қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш нима?
- 57.Агросаноат мажмуаларини ташкил этувчи тамойиллари.
- 58.Ҳақиқий ва калбаки урбанизацияни нима деб тушунасиз?
- 59.59.Йўл бўйи хизмат кўрсатиш бинолари архитектуравий типологик ечимлари
- 60.Қишлоқ аҳоли пунктларида жамоат корхоналарини ташкил этиш тамойиллари.
- 61.Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари ва унинг муаммолари
- 62.Ландшафт режалаштиришни мақсад ва вазифалари.
- 63.Ўзбекистон шароитида турар уй-жойларни лойиҳалаш учун қўйиладиган асосий талаблар
- 64.Савдо марказларининг классификацияси
- 65.Меҳмонхоналарнинг функционал тузилиши нималардан иборат.
- 66.Даволаш-профилактика муассасаларига ШНҚ 2.08.02-09 га биноан қандай талаблар қўйилади.
- 67.Банк муассасаларини лойиҳалашнинг технологик хусусиятлари?

- 68.Жамоат овқатланиш корхоналарига ШНҚ 2.08.02-09 га биноан қандай талаблар қўйилади.
- 69.Цирк биноларининг асосий хоналари ва технологияси тизими.
- 70.Савдо кўнгил очар марказ биносининг архитектуравий тархий ечимлари қўйиладиган талаблар.
- 71.Автотураргохларнинг шаҳарсозликдаги ўрни ва архитектуравий тархий ечимларга қўйиладиган асосий омиллар.
- 72.Аҳоли яшаш жойлари ва турлари
- 73.Ландшафт режалаштиришни дастлабки шартлари ривожлантириш.
- 74.Ўзбекистонда ландшафт режалаштиришнинг асосий муаммолари.
- 75.Дам олиш ва туризм марказларини ташкил этишда нималарга эътибор қаратиш керак?
- 76.Тарихий ҳудудлар ландшафтини яратишнинг асосий мезонлари.
- 77.Транспорт магистраллари, темир йул ва техник иншоотлари ҳудудларини ландшафт режалаштириш.
- 78.Саноат ҳудудлари ва корхоналарининг ландшафт режалаштиришни ташкил этиш қандай омиллар таъсир этади?
- 79.Жамиятни замонавий ривожланиш шароитида ландшафт режалаштиришни роли.
- 80.Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари ва унинг муаммолари
- 81.Туман режалаштиришнинг схемаси қайси муддатга мўлжалланган бўлиб амалга оширилади?
- 82.Ишлаб чиқариш ҳудудлари муаммолари, ҳудудни реновация қилиш ва экологик ечим бериш
- 83.Ўзбекистонда ҳозирги замон аҳоли жойлашуви хусусиятлари
- 84.Шаҳарсозликнинг иерархик тизими.
- 85.Аҳоли яшаш жойлари ва турлари?
- 86.Турар жойларни лойиҳалашда шамоллатиш,инсоляция ва муҳандислик қурилмалари.
- 87.Урта каватли турар жой бинолари типологияси
- 88.Хонадон таркиби ва жиҳозлари
- 89.Кам каватли турар жой бинолари типологияси
- 90.Турар жой биносининг қандай турлари мавжуд
- 91.Туманни режалаштиришнинг мақсад ва вазифалари?
- 92.Туманни режалаштириш ва аҳоли жойлашуви?
- 93.Шаҳарсозликнинг иерархик тизими.
- 94.Ўзбекистонда "Ақлли шаҳар" концепциясини тадбиқ этиш масалалари ва ечимлари
- 95.Олий таълим муассалари участкаларига қўйиладиган талаблар

96. Ишлаб чиқариш ҳудудлари муаммолари, ҳудудни реновация қилиш ва экологик ечим бериш
97. Туман режалаштиришнинг схемаси қайси муддатга мўлжалланган бўлиб амалга оширилади?
98. Мактабгача таълим муассасаларининг бош режада жойлашуви ва гуруҳлар тўплами.
99. Шифохоналар режавий-технологик талабларга биноан қандай гуруҳларга бўлинади?
100. Катта шаҳар ва агломерацияларининг муҳим камчиликлари нималардан иборат?
101. Ўзбекистонда ландшафт режалаштиришнинг асосий муаммолари.
102. Жамоат биноларининг марказий блокли ва павилион типигаги композицияларнинг афзаллик ва камчиликлари
103. Савдо марказларининг классификацияси?
104. Ишлаб чиқариш ҳудудлари муаммолари, ҳудудни реновация қилиш ва экологик ечим бериш
105. Аҳоли яшаш жойлари ва турлари?
106. Томоша биноларининг классификацияси ва уларга қўйиладиган асосий талаблар?
107. Автотурагаргоҳларнинг шаҳарсозликдаги ўрни ва архитектуравий тархий ечимларга қўйиладиган асосий омиллар.
108. Ўзбекистонда "Ақлли шаҳар" технологияларини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар.
109. Музей биноларининг технологик боғлиқлик схемаси нималардан иборат
110. Қуёшдан сақлагич воситалари ва улардан фойдаланиш усуллари.

**18.00.02 – «Районлаштириш. шаҳарсозлик. қишлоқ турар жойларини
режалаштириш. ландшафт архитектураси. бино ва иншоотлар
архитектураси»**

ихтисослиги бўйича имтиҳоннинг

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Давлат аттестацияси имтиҳонлари тест шаклида қабул қилинади ва балларда баҳоланади.

Энг юкори умумий балл 100 га тенг.

Тестда 50 та савол киритилиб, ҳар бир савол 2 балл билан баҳоланади.

Тест натижалари қуйидагича баҳоланади:

60% дан 72 % гача, 30-36 та тўғри жавоб – 3 баҳо;

73% дан 85 % гача, 37 -42 та тўғри жавоб – 4 баҳо;

86% дан 100 % гача, 43 -50 та тўғри жавоб –5 баҳо.

“Архитектура”
кафедраси мудири



Мирзаев Ш.Р.